

## ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДАН ТУРИЗМ МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Деконбоева Мавлюда Носиржоновна

Фарғона давлат университети география кафедраси катта ўқитувчиси  
*m.dekhkanbaeva@gmail.com*

**Аннотация:** Мақолада туризмни ривожлантириш имкониятлари ва босқичлари ҳамда туризмнинг таркибий қисмлари ёритилган. Таҳлил учун қишлоқ хўжалиги ва туристик ресурслар имкониятлари асос қилиб олинган. Мақолада мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ва уни таомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, туристик фирмалар, агротуризм, экотуризм, барқарор ривожланиш, экотизим, гастротуризм.

**Аннотация.** В статье описаны возможности и этапы развития туризма, а также составляющие туризма. Анализ основывался на потенциале сельскохозяйственных и туристических ресурсов. В статье разработаны предложения и рекомендации по развитию туризма в нашей стране и его совершенствованию.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, туристические компании, агротуризм, экотуризм, устойчивое развитие, экосистема, гастротуризм.

**Abstract:** The article describes the possibilities and stages of tourism development, as well as the components of tourism. The analysis was based on the potential of agricultural and tourist resources. In the article, proposals and recommendations for the development of tourism in our country and its improvement have been developed.

**Key words:** agriculture, tourism companies, agrotourism, ecotourism, sustainable development, ecosystem, gastrotourism.

Жаҳон мамлакатларида кескин ривожланиб бораётган туризм мамлакат иқтисолидётида энг сердаромад соҳа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат аҳамиятига молик бўлган масаладир. Республикада тез ўсаётган ва ёшлар салмоғи юқори бўлган аҳолининг рекреацион талабини қондиришга эришиш давлат аҳамиятига молик бўлган ишлардан биридир. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида Туризм соҳасини ривожлантириш масаласи алоҳида мақсад сифатида белгилаб олинган бўлиб, туризмни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилинди ва бу борада кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Халқаро туризмни шунингдек, миллий туризмни ривожлантиришнинг асосларидан бири қизиқарли ва жозибадор бўлган туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ҳамда бу маршрутларга туристларни жалб қилиш ҳисобланади. Пухта, қизиқарли ишланган туристик маршрут туристларни кўплаб жалб қиласди.

Республикамиздаги барча туристик ресурсга–объектга-манзилу-маконга масканга йўл бор. Бу йўллар асфальтли, тошли, маҳаллий тупроқ йўллари, сўқмоқлар ва ҳакозо кўринишларидир. Лекин, бу йўлларда туристик маршрут хизматлари ташкил қилингандан кейингина туристик ресурсда туристлар сони кўпайиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг геомажмуалари ҳам бой табиий ва тарихий мероснинг интеграл қисми ҳисобланади. Ушбу мероснинг репрезентатив объектлари ва компонентларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур мероснинг катта қисми Фарғона водийсининг қишлоқ жойларида тарқалган бўлиб, улардан самарали фойдаланишни оқилона ташкил этиш бугунги долзарб вазифалардан биридир.

Бундай масалани ҳал қилишнинг йўлларидан бири қишлоқ жойлардан рекреацион ва туризм мақсадида фойдаланишни, яъни агротуризмни йўлга қўйишдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ривожланган жойларнинг агротуризмини ривожлантиришдаги имкониятини ўрганиш ҳамда баҳолашнинг аҳамияти катта. Қишлоқ жойларда агротуризмни ривожлантиришда қўйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ жойлардан туризм ва рекреация мақсадида фойдаланишда уларнинг табиий, экологик ва иқтисодий имкониятларини ҳисобга олиш;
- маҳсус хўжаликларни ташкил этиш ва уларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ҳамда реклама, ноширлик ишларини йўлга қўйиш;
- маҳсус хўжаликларни ташкил этишда мамлакат ва ҳориждаги аҳоли эҳтиёжлари ва уларнинг рекреацион талабини ҳисобга олиш;
- қишлоқ жойлар ҳудудида жойлашган ноёб табиат яратмаларини реклама (календарлар, турли ташвиқот ва кўргазмали қуроллар, отkritkalар чиқариш) қилиш.

Маҳсус хўжаликлар сайёҳларга хизмат кўрсатиш бўйича З турга бўлинади: табиат ва соғломлаштириш, анъанавий агроландшафт, агроспорт. Хизмат кўрсатишнинг табиат ва соғломлаштириш тури қишлоқ жойларнинг даволаш ва саломатликни тиклаш хусусиятларига эга бўлган (манзарали табиати, қулай иқлим шароитлари, минерал сувлари, даволовчи балчиқ қатламлари ва бошқа шарт-шароитлари билан ажralиб турадиган) ҳудудлари атрофида жойлаштирилади. Бундай ҳудудларга Фарғона вилоятида Чимён, Аввал, Арсиф, Қизилтепа, Рапқон, Шўрсув каби қишлоқ ҳудудларини мисол қилишимиз мумкин. Шунингдек, қишлоқ жойларда сақланиб қолган кичик табиий ҳудудлар экотуризмни ривожлантириш ва аҳолини экология соҳасида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Агар соҳани барқарор ривожлантиришнинг асосий имкониятларидан бири сифатида агротуризмни олишимиз мумкин. Агротуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш орқали минтақаларда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминланиш ҳамда қўшимча даромадларга эга бўлиш учун агар корхоналар билан туристик корхоналарнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарурдир. Бундай ёндашув қишлоқ инфратузилмасининг яхшиланишига олиб келади. Анъанавий агроландшафт тури эса

сайёхлар учун алоҳида ажратилган хонадонларда ёки маҳсус қурилган уйларда ташкил этилиши мумкин. Бу ўринда асосий эътибор аграр районларга яъни аҳоли бандлиги муаммо бўлган ҳудудларга қаратилади. Агротуризмни бу турида янгидан-янги обьектлар бўйлаб саёҳатларни ташкил этиш ва қизиқувчиларни жалб этиш зарур бўлади. Шунинг учун бу соҳани пахтачилик, боғдорчилик ва сабзовотчилик ривожланган қишлоқ жойларда ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Агротуризмнинг ўзига хос хусусияти шундаки, туристни дам олиши давомида, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, қушлари, паррандалари ва ўсимликлари, қишлоқ ҳаёти ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан танишишдан иборат. Масалан, қовун пишиғи даврида “Қовун сайли” уюштириш ёки мевалар ғарқ пишганда боғлар бўйлаб, пахта йиғим терим даврида пахта далаларига саёҳатлар ташкилланади.

Тоғ минтақасида жойлашган Сўх тумани ва Шоҳимардон қишлоқ ҳудудларида экотуризм ва экстремал туризмни ривожлантириш имконияти каттадир. Айниқса Шоҳимардон ҳудуди-республикамиз аҳолисининг, шунингдек чет эллик туристларнинг севимли дам олиш масканларидан бири. Тоғ минтақасида экстремал, илмий, рекреацион, даволаниш, маърифий-маънавий, спорт ва бошқа экотурларни ривожлантириш имконияти каттадир. Туризмни ривожлантириш келажақда қишлоқ жойларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда, тибиатни мухофаза қилиш ва миллий экомаданиятни ривожлантиришга кўмак беради.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Дехконбоева, М. (2022). Фарғона водийсининг муқаддас ландшафтлари ва уларнинг экологик функцияси. Academic research in educational sciences, 3(10), 119-126.
2. Dekhkanbaeva, M. N. (2021). Prospects Of Tourism Development In Uzbekistan. The American Journal of Applied sciences, 3(02), 95-99.
3. Dekhkanbaeva, M. N., & Kholikov, R. Y. (2021). Religious sacred objects: Formation and functions. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(8), 411-414.
4. Dehkanbayeva, M. N. (2019). Territorial location and function of sacred landscapes (Fergana region). Экономика и социум, (11 (66)), 919-921.
5. Дехканбаева, М.Н., & Мустаев, Р. (2022). Миллий боғларда функционал зоналарга ажратишда гат-технологиялардан фойдаланиш. Academic research in educational sciences, 3(10), 48-54.
6. Хамидов, А.А., & Дехканбаева, М.Н. (2022). Исследование биогеографических особенностей ферганской долины. Academic research in educational sciences, 3(5), 881-886.
7. Dekhkanbaeva, M. N. (2021). Theoretical and methodological bases of the study of sacred landscapes. Asian journal of multidimensional research, 10(5), 596-604.

8. Xoliqov, R. Y., & Dexkanbayeva, M. N. (2019). Sacral landscapes as objects of religious tourism and recreation. Экономика и социум, (10 (65)), 467-470.
9. Дехканбаева, М.Н., Накибов, К., & Мустаев, Р. (2019). Географическое изучение опустынивания. Экономика и социум, (11 (66)), 939-942.
10. Dekhkanbaeva, M. N. (2021). Prospects Of Tourism Development In Uzbekistan. The American Journal of Applied sciences, 3(02), 95-99.
11. Makhkamov, E.G., & Dexkanbayeva, M.N. (2019). The importance of religious tourism in protecting the nature of the ferghana valley. Экономика и социум, (10 (65)), 464-466.
12. Абдуғаниев Олимжон Исимиддинович, Деканбаева Мавлюда Носиржоновна //ДАРС МАШГУЛОТЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИ ОШРИШДА СИТУАЦИОН-ҮЙИНЛИ МЕТОДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ// SO'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI RESPUBLIKA ILMIY-USLUBIY JURNALI. 6-JILD 11-SON. 13.11.2023. 258-261 betlar.
13. Деконбоева М.Н., Косимов Д.Б. //МИЛЛИЙ БОГЛАРДА РЕКРЕАЦИОН ЗОНАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ// Farg'ona vodiysida turizmni rivojlantirishning hududiy jihatlari va istiqbollari, Farg'ona shahri, 2023-yil 22-23 sentabr. 39-42.
14. Abduganiev O.I., Makhkamov E.G. ECOLOGICAL TOURISM IN PROTECTED NATURAL AREAS //Journal of Geography and Natural Resources. – 2022. – Т. 2. – №. 02. – С. 25-32.
15. Abdug'Aniyev O. I., Turdiboeva S. X. Q., Abdullayeva H. R. Q. BARQAROR TARAQQIYOT VA ETNOEKOLOGIYA //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 94-101.
16. Isomiddinovich A. O. et al. Tourism Potential of Protected Natural Areas and Problems of Its Use //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 9. – С. 162-166.